

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзмиллийбанк” АЖ Бешариқ Банк
хизматлари маркази бошқарувчиси

Д.Р.Рузиматов

“27”

2026 йил.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Бешариқ Банк хизматлари маркази
ходимларига ўтказилган

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ № 2

2026 йил “27” март

Бешариқ т.

Йиғилиш раиси: Д.Р.Рузиматов - “Ўзмиллийбанк” АЖ Бешариқ Банк хизматлари маркази бошқарувчиси;

Иштирок этдилар: “Ўзмиллийбанк” АЖ Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси У.А.Ибрагимов;

Қатнашдилар: “Ўзмиллийбанк” АЖ Бешариқ Банк хизматлари маркази бошқарувчисининг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ҳамда барча ходимлар. *(рўйхат бўйича жами 17 нафар ходим)*

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш йўналишида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-тарғибот ва профилактик чоратadbирлар Режасига мувофиқ, Бешариқ банк хизматлари маркази ходимлари билан “Коррупцияга қарши бирга курашамиз” мавзусида давра суҳбати;

Йиғилишни “Ўзмиллийбанк” АЖ Бешариқ Банк хизматлари маркази бошқарувчиси Д.Р.Рузиматов кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала билан таништирди ҳамда кейинги сўзни Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси У.А.Ибрагимовга берди.

Бош мутахассис У.А.Ибрагимов кун тартибидаги масала юзасидан сўзни олиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона вилояти Бош бошқармаси тизимида коррупцияни олдини олиш йўналишида белгиланган чоратadbирлар ҳамда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқа маълумот бериб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳалқига ва парламентга йўллаган

мурожаатида, 2026 йил коррупция йўналишида “фавкулудда ҳолат” деб эълон қилинганини, шу муносабат билан мазкур йўналишда жадал ишлар ва муросасиз кураш олиб борилаётганини, суҳбат давомида, ҳозирда “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона вилояти Бош бошқармаси ва ҳудудий тизимларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан бир қатор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганлиги, коррупцияга қарши ички назорат тизимлари коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чоралари қўрилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, У.А.Ибрагимов ўз сўзини давом эттириб, коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни доимий бартараф этиш лозимлигини, бунда асосий эътиборни кредит ажратишда банк ходимлари томонидан сунъий бюрократик тўсиқлар ҳосил қилиш ҳисобига пул маблағлари талаб қилиш ҳолатларини аниқлаш бўйича миқдорлар ўртасида аноним сўровномалар ўтказиб, сўровнома натижаси юзасидан манзилли чора-тадбирлар белгиланишини, виктимологик профилактика ўрнини ошириш мақсадида жисмоний ва юридик миқдорлар ўртасида электрон калитлардан фойдаланиш, миқдорнинг хабарисиз кредит ажратишни тақиқлаш имкониятлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга маълум бўлган фирибгарлик ҳолатлари ҳақида семинарлар ташкил этилишини, тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиш, улардан келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш орқали коррупцияга мойил бўлган банк ходимларини рўйхатини шакллантириб, ушбу ходимлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, тизимни янада рақамлаштириш натижасида эришилган ижобий тажрибаларни оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ва Республика бўйича тадбиқ этиш чораларини қўриш, Коррупцияга дуч келган ҳолатларда мурожаат қилиш мумкин бўлган алоқа каналлари рўйхатини шакллантириш, ушбу алоқа каналлари ҳақидаги маълумотларни хизмат кўрсатиш биносининг кириш қисмига, кўргазмали баннерларни жойлаштириш, шунингдек, ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиш ишларини жадаллаштириш, янги ишга қабул қилинадиган ходимларни “vacancy.argos.uz” электрон платформаси орқали очик танлов асосида ишга қабул қилиш қатъийлигини, марказлашган ҳолда танловга асосан ҳар чоракда соҳаларидаги камида битта давлат харидлари билан боғлиқ жараёнларида оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, манфаатлар тўқнашуви олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар қўриш ва тегишли соҳасидаги ваколатли органни қўрилган чоралар

тўғрисида хабардор қилиш, Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича банкда муҳокамаларни ўтказиш, масъул ходимларга юклатилган вазифаларни бажарилиши ҳолати юзасидан тегишли ҳисоботларни эшитиш, ҳуқуқий тушунтиришлар бериш ҳамда тегишли соҳани “коррупциядан ҳоли ҳудуд”га айлантириш борасида зарур чоралар белгиланиши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Сухбат иштирокчилари ўз навбатида муҳокамага қўйилган мавзуларга ижобий муносабатларини билдириб, коррупция жамиятдаги энг ёмон иллат эканлиги, мамлакат тараққиётига ўта салбий таъсир кўрсатишини, уни олдини олиш ва бу каби офатга қарши курашиш барчанинг вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Сухбат давомида банк ходимлари томонидан берилган саволларга тўлиқ ва батафсил жавоб берилди.

Мажлис сўнгида кун тартибидаги масала юзасидан

ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” ни Қонунга мувофиқ, банкларда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш чораларини кўриб борилсин;

2. Жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан фирибгарлик йўли билан пул ечиб олиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинсин.

3. Давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чоралари кўрилсин;

4. Банк филиалларида коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус алоқа каналлари ташкил этилиши чоралари кўрилсин;

5. Банк томонидан коррупцияга қарши тарғибот ишларини мунтазам ташкил этиб борилсин;

6. Ишга қабул қилишда номзодларни танлаш ҳамда уларнинг касбга оид фазилатлари ва алоҳида хизматлари асосида хизмат поғоналарида кўтарилишининг шаффофлиги таъминлаб борилсин;

7. Банк билан жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, банкнинг ишонч телефонлари иш фаолияти самарадорлиги таъминлансин;

8. Банк филиалларида ходимларни хабардор қилмаган холда банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қоидаларига риоя этиши юзасидан “сирли мижоз”тадбирлари ўтказиб борилсин;

9. Кредит билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш чоралари кўрилсин;

10. Банкларда коррупциявий омилларни таҳлил қилиб бориш ҳамда таҳлил натижалари асосида тегишли чора-тадбирларни белгилаб бориш;

Йиғилиш котиби:



О.Икромова

Бешариқ БХМ





